

1-БЛОК: Бастауыш сынып***Бір дұрыс жауабы бар тапсырмалар***

1. Жамлаш, умумлаштириш маъноларини ифодалайдиган сүзни топинг.
 - A) кимдир, нимадир, биров, аллаким.
 - B) ҳамма, бари, бутун , ялпи.
 - C) ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қайси.
 - D) ҳар ким, ҳар нима, ҳар бир.
 - E) мен, сен, у.

2. Тилнинг сүз бойлигини үрганадиган фанни аниқланг.
 - A) синтаксис
 - B) морфология
 - C) лексика
 - D) фонетика
 - E) сүз туркумлари

3. Гапда “ мўсафид” сүзини синоними билан алмаштириб бўлмайдиганини белгиланг.
 - A) Оқсоқолларни тўрга ўтқазинг.
 - B) Чол ҳассага таяниб, аста- аста қадам ташлар эди.
 - C) Унинг оти анча қари эди.
 - D) Нуруний чоллар давра тўрида.
 - E) Кексалар билан маслаҳатлашдим.

4. Қайси қаторда тушум келишигининг қўшимчаси тушиб қолган?
 - A) ўйин қизғин, боғ кўрки, гурунг қизиди.
 - B) Бобур шеърлари, тўгарак машғулоти.
 - C) “Дилхирож” куйи, ҳаво беғубор, жаҳон чемпиони.
 - D) мусиқа тингладим, дўппи тикдинг.
 - E) сайр гашти, райҳон иси, ёз иссиғи.

5. Қарама-қарши маъноли сўзлар дейилади. Нуқталар ўрнига мос келадиган вариантни белгиланг.
 - A) омоним сўзлар
 - B) бир маъноли сўзлар
 - C) кўп маъноли сўзлар
 - D) антоним сўзлар
 - E) синоним сўзлар

6. Лексикологияга оид атамалар берилган қаторни кўрсатинг.
- A) туркум, феъл
 - B) шакл, сўз, маъно
 - C) вергул, нуқта
 - D) гап, бош бўлақлар
 - E) имло, кесим
7. Эғалик кўшимчаси кўшилган сўзлар қаторини белгиланг.
- A) рўмолча, пахтакор.
 - B) шифохона, бемордан.
 - C) инсонлардан, столда.
 - D) дарслигимиз, қаламим.
 - E) китобча, юлдузча, кўзичоқ.
8. Кўшма гапни аниқланг.
- A) Кўёш чиқди ва олам ёришди.
 - B) Бугун болалар кўшиқ айтишди.
 - C) Биз эртақ тингладик.
 - D) Асалари гулга кўнди.
 - E) Шерали ёғочдан нақш ясамоқда.
9. Нотўғри ёзилган сўзлар қаторини кўрсатинг.
- A) муаммо, мударрис
 - B) мудофаа, табиий
 - C) сиёҳдон, матбуот
 - D) тажжуб, таалук
 - E) Навоий, Ганжавий
10. Сўз ясовчи кўшимча қоидаси берилган қаторни кўрсатинг.
- A) гапда сўзларни бир-бирига боғловчи кўшимча
 - B) кўплик кўшимчаси
 - C) шахс-сон кўшимчаси
 - D) ўзакка кўшилиб, янги сўз ясовчи кўшимча
 - E) ўзакка кўшилиб, унинг шаклини ўзгартувчи кўшимча
11. Қайси қаторда дарак гап ёзилганлигини аниқланг.
- A) Президентимизнинг маънавий янгиланиш ҳақидаги мактуби тингланди.
 - B) Янги шароитда янгиланишга бўлган ички интилиш – тараққиётимизнинг энг асосий қоидасидир!
 - C) Болалар, 2019 йилдан бошлаб лотин алифбосига кўчишимиз кераклигини биламизми?
 - D) Қайси кўчада яшайсан?
 - E) Яқинда Астанада қандай кўргазма ўтказилди?

12. Тарихий сўзлар тўғри таърифланган қаторни белгиланг.
- А) шевага хос сўзлар
 - В) тарих фанига оид атамалар
 - С) янгилик бўғини йўқотган сўзлар
 - Д) фаол ишлатилмайдиган сўзлар
 - Е) ҳозирги кунда йўқ нарса-ҳодисаларни билдирувчи тарихга оид сўзлар
13. *Бизнинг уйимиз тўрт хонали. Сизники ҳам шунчами?* Ушбу гапдаги шунчами олмоши қайси сўз туркуми ўрнида қўлланганини аниқланг.
- А) равиш
 - В) феъл
 - С) сифат
 - Д) сон
 - Е) от
14. Атоқли отлар қайд этилган қаторни белгиланг.
- А) мушарраф, ўқитувчи.
 - В) овқат, куз, мактаб.
 - С) мардлик, ҳаёт, ёшлик.
 - Д) устоз, Шокир, одам.
 - Е) “Ўтган кунлар”, Қозоғистон давлати, Увайсий.
15. Олмош сўз туркумига мансуб бўлмаган сўзни белгиланг.
- А) алланима
 - В) аллақандай
 - С) алланарса
 - Д) аллаким
 - Е) алламаҳал
16. Ўзақдош сўзларни топинг.
- А) тушлик, ёзувчи.
 - В) боғ, тоғ, соғ.
 - С) туз, ёз, туш.
 - Д) гул, гулли, гулсиз, гулчи.
 - Е) лола, гул, райхон.
17. Қўшма феъл қайси қаторда берилган?
- А) Бахтиёр учбурчак расмини чизди.
 - В) Қўклам чоғларида бу майдон катта сайлгоҳга айланиб кетади.
 - С) Кузнинг ёмғирли кунлари бошланди.
 - Д) Биз ҳаммангизни меҳмондўст Қозоғистон диёрида кўришдан ҳамиша хурсандмиз.
 - Е) Онам бир ҳовуч ёнғоқ берди.

18. Турдош отларни белгиланг.
А) Балхаш, Улуғбек, китоб.
В) ит, уй, Балхаш.
С) китоб, мактаб, дарахт.
Д) қалам, дафтар, “Сайрам сабоси”.
Е) Чимкент, Сирдарё, журнал.
19. Масал нималигини белгиланг.
А) ғазалдаги икки мисра
В) Французча сўздан олинган бўлиб “эсталиклар”, “хотиралар” демакдир
С) тўрт мисрадан иборат бўлган, таълим- тарбия мазмуни билан ўрин тутади
Д) таълимий, тарбиявий мазмунга эга бўлган мажозий образларни акс эттирувчи кичик ҳикоя
Е) Шарқ, ўзбек мумтоз адабиётида кенг мавқе эгаллаган йўналишдир
20. “Қорамурт” афсонасида Гулгун момонинг неварасига уйланган йигит
А) Қултой
В) Бахтиёр
С) Худоёр
Д) Худодот
Е) Қоражон
21. “Қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан. У бир куни мамлакатдаги барча қўшиқчиларни чақирибди. Уларга навбат билан куйлашни буюрибди. Кимнинг қўшиғи ёқмаса қаттиқ жазолабди...” Ушбу парча қайси асардан олинган
А) “Она сути”
В) “Она алласи”
С) “Моҳир қўшиқчи”
Д) “Ота-онам”
Е) “Фарзандим”
22. “Этик кийган мушук” эртаги қайси муаллиф қаламига мансуб
А) Оскар Уайльд
В) Уильям Шекспир
С) Вильгельм Гауф
Д) Шарль Перро
Е) Ганс Христиан Андерсен

23. Ушбу шеърий парча муаллифи
“Ҳар тилни билув энди бани одама жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндуру”
А) Алишер Навоий
В) Аваз Ҳтар
С) Ҳамза
D) Огаҳий
E) Гулҳаний
24. Зиямат Ҳусанов қаерда туғилган?
А) Қўқон
В) Бухоро
С) Тошкент
D) Алмата
E) Сайрам
25. Шоир Уйғуннинг “Ғалаба баҳори” шеърида тилга олинган шаҳар номи
А) Ленинград
В) Москва
С) Санкт Петербург
D) Сталинград
E) Берлин
26. Ленинград шаҳри учун бўлган жангда мардлик кўрсатган ўзбек ўғлони
А) С. Раҳимов
В) З. Ҳусанов
С) Т. Эрийгитов
D) Б. Содиков
E) Т. Рустемов
27. Улуғ Ватан, гўзал табиат,
Оро берар яна ўзига
Кўшиқ айтгим келади яна
Қулоқ солиб кушлар сўзига. Ушбу шеър қандай номланади?
А) “Гўзал ёз”
В) “Саргардонлик”
С) “Жанговар дўстлик”
D) “Сухбат”
E) “Ғалаба баҳори”

28. Москвани ҳимоя қилишда Қозоғистонликлар борган девизия
- A) 76 девизия
 - B) 316 девизия
 - C) 314 девизия
 - D) 310 девизия
 - E) 321 девизия
29. “Тансиҳатлик-туман бойлик” эртагида донишманд чолнинг олдида ким келганини белгиланг.
- A) отахон
 - B) кампир
 - C) доно қиз
 - D) бой йигит
 - E) қашшоқ йигит
30. “Яхши фазилат” ҳикоясидаги бош қаҳрамон
- A) бола
 - B) кампир
 - C) Назокат ва Зарифжон
 - D) Нилуфар
 - E) ота
31. “Ҳалоллик” эртагида камбағал бир хум тиллани кимга тарқатганини топинг
- A) етим-есирларга, бева -бечораларга
 - B) беморларга
 - C) қўни-қўшниларга, қариндошларга
 - D) болаларга
 - E) ҳеч кимга
32. “Мактаб” шеърининг муаллифи ким?
- A) Анвар Қурбон
 - B) Пўлат Мўмин
 - C) Толиб Йўлдош
 - D) Умида Абдуазимова
 - E) Ҳикмат
33. “ Мустақиллик яшасин” шеърининг автори
- A) Оллоберган Пўлат
 - B) Шохалил Пўлат
 - C) Пўлат Мўмин
 - D) Мирмуҳсин
 - E) Неъмат Орипов

34. “Сув” шеъри кимнинг қаламига мансуб
 А) Туроб Тўла
 В) Туроб Ниёз
 С) Эркин Воҳидов
 D) Шухрат Шох
 E) Миртемир
35. -Мен тоғларнинг чиройин,
 Кушлар куйин овладим...
 Тушунолмаё ҳеч гапга
 Дўстин боши ғовлади...
 Юқорида берилган шеър қайси шоир қаламига мансуб ва унинг номини топинг
 А) Рауф Толиб “Ғалати овчи”
 В) Худойберди Тўхтабоев “Ғалати овчи”
 С) Эсон Рахимов “Куз фасли”
 D) Ориф Тўхташ “Хавотир”
 E) Шухрат шох “Куз фасли”
36. “Чин ва ёлғон” шеъри қайси шоирга мансуб?
 А) Пўлат Мўмин
 В) Ф. Мусажанов
 С) Ориф Тўхташ
 D) Уйғун
 E) Эркин Воҳидов
37. “Бузиб айтманг ҳеч қачон
 Бу табаррук сўзни сиз” мисралари қайси шеърдан олинган, муаллифини топинг
 А) Шухрат Шох “Саломлашиш одоби”
 В) Пўлат Мўмин “Чин ва Ёлғон”
 С) Эркин Воҳидов “Ўзбегим”
 D) Қодир Мирзо “Савол-жавоб”
 E) Анвар Обиджон “Хабар сотувчи”
38. Муҳаммад Саиднинг “Ватан” шеърининг биринчи мисраси
 А) Ҳаммаси
 В) Юксак тоғлар
 С) Кунинг сенинг
 D) Ватан уйинг
 E) Олам сеники

39. Энг кичик икки хонали сонга 17 ни қўшиб, ҳосил бўлган йиғиндини энг катта бир хонали сонга бўлинг
- A) 17
 - B) 9
 - C) 5
 - D) 3
 - E) 8
40. Мактабдаги ўғил болалар сони қизлар сонининг тўртдан бирини ташкил этади. Қизлар 816 та. Мактабда ҳаммаси бўлиб нечта ўқувчи бор?
- A) 1000 та
 - B) 612 та
 - C) 408 та
 - D) 204 та
 - E) 1020 та
41. Салима опа 54 ёшда қизининг ёши эса онасининг ёшининг тўққиздан бир бўлагига тенг. Қизи неча ёшда?
- A) 9 ёш
 - B) 6 ёш
 - C) 7 ёш
 - D) 48 ёш
 - E) 47 ёш
42. Разрядли қўшилувчиларга тўғри ажратилган сонни белгиланг
- A) $4560=4500+60$
 - B) $7218=7000+200+10+8$
 - C) $107=10+7$
 - D) $4316=4300+16$
 - E) $10004=500+504$
43. Тенгламанинг жавобини топинг: $650-x=418$
- A) 212
 - B) 420
 - C) 232
 - D) 213
 - E) 210
44. Каср чизиғининг устида ёзилган сон касрнинг нимаси дейилади
- A) даража
 - B) сурати
 - C) каср
 - D) махражи
 - E) кўпайтма

45. Тенгламанинг жавобини топинг: $11458:(979-x)=(3843-800):179$
- A) 1305
 - B) 132
 - C) 35
 - D) 3005
 - E) 305
46. Кутубхонага 728 та китоб келтирилди. Бу китобларнинг еттидан бир қисми 2-синфлар учун қолганлари 1-синфлар учун , 1-синфга неча китоб келтирилган?
- A) 312 та
 - B) 104 та
 - C) 208 та
 - D) 728 та
 - E) 624 та
47. Йўл узунлигининг олтидан бир бўлаги 36 км. Барча йўлнинг узунлиги қанча?
- A) 108 км
 - B) 72 км
 - C) 180 км
 - D) 144 км
 - E) 216 км
48. Банкада 12 литр қимиз бор. Унинг $\frac{1}{3}$ бўлагини ичганда неча литр қимиз қолади?
- A) 8
 - B) 4
 - C) 6
 - D) 7
 - E) 9
49. Омборда 7200 кг сабзавот бор эди. Сабзавотнинг саккиздан икки бўлаги сотувга юборилди. Сотувга қанча кг сабзавот чиқарилди?
- A) 900кг
 - B) 5400кг
 - C) 7200кг
 - D) 1800кг
 - E) 8300кг

50. Камаювчини топиш учун.....

- A) айирмадан камаювчини айириш керак
- B) камаювчидан айирмани айириш керак
- C) айрилувчидан айирмани айириш керак
- D) камаювчига айирмани кўшиш керак
- E) айирмага айрилувчини кўшиш керак

Бір немесе бірнеше дұрыс жауабы бар тапсырмалар

51. Қатордаги сұзда товушлар микдори ҳарфникига қараганда кам сўзни топинг
- A) юлдуз, китоб
 - B) зарра, энг
 - C) уй, тахта
 - D) тенг , маъно
 - E) оғир , минг
 - F) табель, шуъла
52. Бўғин ажратиш қонун- қоидаларига риоя қилинмаган сўзни кўрсатинг
- A) ер-тў-ла, атир-гул
 - B) асал-ари, кў-зо-й-нак
 - C) қирқ-оғай-ни, шо-ли-поя
 - D) Али-шер, маъ-но, гулт-увак
 - E) на-моз-шом-гул, меҳ-нат-се-вар
 - F) тўрт-бур-чак, ў-рин-бо-сар
53. Лифт бор бўлгани 150 кг юк кўтаради. Массаси 60кг, 80 кг , 80 кг, 80 кг бўлган тўрт одам юқори қаватга кўтарилиши учун лифт неча марта қатнайди?
- A) 6 марта
 - B) 2 марта
 - C) 7 марта
 - D) 4 марта
 - E) 5 марта
 - F) 3 марта
54. Отаси ўғлига пиёда 6 км / соат тезлик билан, машинада ундан 10 марта тезроқ, велосипедда машинадагига кўра 4 марта секин юрганини айтди. Шунда у велосипед билан қандай тезликда юрган?
- A) 20 км/ соат
 - B) 24 км/соат
 - C) 28 км/соат
 - D) 20 км/соат
 - E) 24 км/соат
 - F) 15 км/соат

55. Амалларнинг бажарилиш тартибини аниқлаб, жавобини ечинг
 $732+(999-809)*2$
A) 820
B) 190
C) 1844
D) 160
E) 1900
F) 1112
56. Қатордаги тўғри бажарилган ифоданинг қийматини кўрсатинг
 $(64203:3)+(72018:3)$
A) 45407
B) 21401
C) 45405
D) 88209
E) 24006
F) 21407
57. Тўртбурчакнинг узунлиги 22 см, эни 7 см. Тўртбурчакнинг юзини топинг
A) 450 см^2
B) 154 см^2
C) 380 см^2
D) 580 см^2
E) 780 см^2
F) 58 см^2
58. Тўғри тўртбурчакнинг юзаси 9600 м^2 га тенг, эни эса 60м. Периметри шу тўғри тўртбурчакнинг периметрига тенг квадратнинг юзасини топинг
A) 54 м^2
B) 160 м^2
C) 440 м^2
D) 250 м^2
E) 195 м^2
F) 12100 м^2
59. $6^3, 5^3$
A) 25, 458
B) 312, 105
C) 18, 125
D) 216, 125
E) 62, 165
F) 36, 216

60. Саёҳатчи Чимкентдан Туркистонга 57 км / соат тезлик билан 3 соат юрди.
Саёҳатчи қанча км юрди?
- A) 171 км
 - B) 170 км
 - C) 183 км
 - D) 180 км
 - E) 57 км
 - F) 180 км

Мәнмәтіндік тапсырмалар

1-мәнмәтін

Бір дұрыс жауабы бар 5 тапсырма

Бир киши дунёни ұзгартирмоқчи бұлди. Аммо дунё шунчалик улкан, у эса кичкина эди.

Ұйлаб-ұйлаб, ұзининг шахрини ұзгартиришга ахд қилди. Аммо шаҳар шунчалик катта, у эса шу қадар майда эди.

Энди у оиласини ұзгартиришга жазм қилди. Аммо оиласи ҳам шунчалик каттаки, болаларининг ұзи ұнта эди. Шунда у кучи етадиган ягона ишга құл урди, бу кичик ҳаракат эса ұз-ұзини ұзгартириш эди.

61. Матндаги асосий фикрни топинг

- A) инсон ұзгаришни аввало ұзидан бошлаши керак
- B) инсон ұз оиласини ұзгартириши мумкин
- C) инсон ұз шахрини яхшилаши керак
- D) Улкан ишларни құлга ол
- E) инсон ҳамма нарсани ұзгартиргиси келади

62. Матн мазмунига мос келмайдиган саволни топинг

- A) Бир киши нимани ұзгартирмоқчи бұлди?
- B) У нима учун ұзини ұзгартирмоқчи бұлди?
- C) У нима учун оиласини ұзгартиролмади?
- D) У фарзандларини ұзгартириш учун қандай ҳаракатларга борди?
- E) У нима учун дунёни ұзгартиролмади?

63. Матнда энг кўп ишлатилган сўзни топинг.

- A) киши, оила, шаҳар
- B) дунё, ягона иш, ұнта
- C) катта, ұзгартириш, шунчалик, аммо
- D) ұзгартириш, ұз-ұзини, майда
- E) майда, шаҳар, у

64. Матнга мос сарлавҳани топинг

- A) Ұзини ұзгартирмоқчи бұлган киши ҳақида ҳикоя
- B) Улкан дунё
- C) Ұзгараётган дунё
- D) Шаҳарни ұзгартирмоқчи бұлган одам
- E) Ұз-ұзини ұзгартишдан бошлади

65. Сизнингча, матн нима демокчи?

- A) Улкан ишлар кичик ҳаракатлардан бошланади.
- B) Тадбиркор одам
- C) Ҳаётдан завқ-шавқ оладиган одам.
- D) Меҳнаткаш ва саховатли одам
- E) Замонга мослашувчан ва ўз ишига баҳо берадиган одам.

Мәнмәтіндік тапсырмалар

2-мәнмәтін

Бір дұрыс жауабы бар 5 тапсырма

Бир куни қора пичоқ дүкондан чиқиб ошхонага келгандан кейин тиним топмади. Нон тұғради, пиёз арчиди, ишқилиб овқат пишириб, ош тайёрланса, құлдан тушмайдыган бұлди. У ялқов эди. Болалигидаги чалқанча тушиб ётсам деган орзуси ёдига тушиб йиғлаб ҳам оларди.

Бир куни қора пичоқ оғир меҳнатдан қутулишнинг осон йўлини топди. Эгаси кўрмай турган пайтда полнинг ёруғ жойига тушиб олди. “Бұлди,-деди у қувониб. – Энди меҳнатни елкамнинг чуқури кўрсин!....”

Ой ұтди, йил ұтди, қора пичоқ ұрнидан құзғалди. Унинг қаерда ётганини ҳеч ким билмасди. Бир куни:

-Эй, қариндош,-деган овоз эшитилди. Қараса, полнинг ёриғидан ялтираган куз мўлтираб турган экан. Бирдан таниди, ұзи билан бирга ясалган Сарик пичоқ. У жуда хурсанд, юзи ялт-юлт этиб турарди. Чиройли бўлиб кетибди.

-Пастга сакра, - деди Қора пичоқ.- Бирга беркинамиз,-деди.

- У ерда нима бор?

-Ётамиз, ухлаймиз, дам оламиз. Оҳ қандай роҳат!

-Ишни ким қилади?

-Иш бизсиз ҳам қилинади.

-Раҳмат!-деди Сарик пичоқ.-Меҳнатдан қочгунча, тер тўкиб ұлганим ортиқ. Меҳнатсиз ҳаёт қизиқ эмас. Ұзинг ётавер, роҳатга ботавер.

Қора пичоқ ұрнидан турмоқчи эди, тура олмади, сабаби, бутун танасини занг босган эди. Ҳаммаёғи синаётгандай бұлди.

66. *Бир куни қора пичоқ дүкондан чиқиб ошхонага келгандан кейин тиним топмади.* Гапни бош бўлагини топинг.

- A) Дүкондан, топмади
- B) Бир куни, тиним топмади
- C) Қора пичоқ, тиним топмади
- D) Пичоқ, тиним топмади
- E) Дүкондан чиқиб, тиним топмади

67. *Меҳнатдан қочгунча, тер тўкиб ұлганим ортиқ.* Гапда қайси келишик қўшимчаси борлигини аниқланг

- A) Чиқиш келишиги
- B) Қаратқич келишиги
- C) Тушум келишиги
- D) Жўналиш келишиги
- E) Ұрин-пайт келишиги

68. Нон тўгради, пиёз арчиди, ишқилиб овқат пишириб, ош тайёрланса, қўлдан тушмайдиган бўлди. Нима қилди? сўроғига жавоб бўлган сўзлар қаторини белгиланг.
- А) нон тўгради
 - В) пиёз арчиди
 - С) ош тайёрланса
 - Д) қўлдан тушмайдиган бўлди
 - Е) тўгради, арчиди
69. Ҳис ҳаяжон гапни топинг
- А) Меҳнатсиз ҳаёт қизиқ эмас
 - В) Ишни ким қилади
 - С) Оҳ қандай роҳат
 - Д) Ҳзинг ётавер, роҳатга ботавер
 - Е) У ерда нима бор
70. Ундов гапни топинг.
- А) Меҳнатдан қочгунча, тер тўкиб ўлганим ортиқ
 - В) Иш бизсиз ҳам қилинади
 - С) Эй, қариндош,-деган овоз эшитилди
 - Д) Энди меҳнатни елкаминг чуқури кўрсин
 - Е) Бўлди,-деди у қувониб

1-БЛОК бойынша тест аяқталды.